
Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш - халқимизга хос анъана

Бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, боғ яратиш халқимизнинг азалий хислатларидан саналади. Зеро, ўзимиз яшаб турган жойни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш туфайли кўнглимиз шодликка тўлади.

Аввал хабар берганимиздек туманимизда жорий йилнинг август ойи “ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги” деб эълон қилинди.

Мазкур ойлик доирасида ҳудудларда аҳолимиз томонидан хашар йўли билан ободонлаштиртиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса қабристонлар ва муқаддас қадамжолар ободонлаштирилмоқда, ички ариқлар тозаланмоқда, бегона ўтлар олиб ташланмоқда. Тўпланиб қолган чиқиндилар тозаланмоқда.

Амалга оширилаётган ишларда нафақат масъул ташкилотлар, маҳалла раислари, қолаверса ёшлар вакиллари, фуқароларимизнинг фаол иштироки дилни қувонтиради.

Азиз қуваликлар келинлар ободонлаштириш ойлигида барчамиз фаол иштирок этиб, ўз ҳонадонимиз, кўчамиз ва маҳалламизни ободонлаштиришда ўз ҳиссамизни қўшайли.

2022-08-06 16:51:22